



Товарларни бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиш бўйича қўшилиш ШАРТНОМАСИ

Мазкур Товарларни бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиш бўйича қўшилиш шартномаси Харидорнинг Сотувчидан бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан товар сотиб олиши вақтида Сотувчи ва Харидор ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Шартнома бўйича Сотувчи сифатида:

«RADIUS RETAIL» Масъулияти чекланган жамияти иштирок этади, манзили: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Абай кўчаси, 22-уй, СТИР: 308132534;

Шартномага қўшилиш ва юқорида кўрсатилган Сотувчи билан уни тузиш учун Харидор Шартномага 1-сонли Иловада белгиланган Аризани имзолаш йўли билан мазкур Шартнома шартларини қабул қилади. Аризада у Шартнома тузаётган Сотувчи кўрсатилади. Харидор томонидан имзоланган Ариза тегишли Сотувчи томонидан имзоланган санадан бошлаб Шартнома тузилган ҳисобланади.

Харидор томонидан Аризанинг имзоланиши Харидорнинг ушбу Шартнома шартларига ҳеч қандай шартлар, истиснолар ёки чекловларсиз тўлиқ ва сўзсиз қўшилиши ҳисобланади. Ариза имзоланган вақтдан бошлаб Харидор Шартнома шартлари билан танишган ва рози бўлган ҳисобланади.

Сотувчи унга Ариза билан мурожаат қилган ҳар қандай шахсга Шартнома тузишни рад этишга ҳақли.

Сотувчи ва Харидор кейинги ўринларда «Тарафлар» ва алоҳида - «Тараф» деб номланади.

Мазкур Шартномада қуйидаги атама ва таърифлар қўлланилади:

Шартномалар – ушбу Шартнома, Харидор ва тегишли Сотувчи томонидан имзоланадиган Ариза, шунингдек барча ўзгартиришлар ва унга қўшимчалар.

Ариза – Шартномага 1-сонли Илова бўлиб, у Товарнинг номи, миқдори, тавсифи ва нархيني, Харидор тўғрисидаги маълумотларни, Сотувчи тўғрисидаги маълумотларни, Харидор томонидан танланган Тариф, Товар учун тўловларни амалга ошириш жадвали, шунингдек Тарафларнинг имзоларини ўз ичига олади.

Харидор – Сотувчи билан реквизитлари Аризада кўрсатилган Шартноманинг кириш қисмида кўрсатилган тартибда шартнома тузган, Сотувчидан Шартнома асосида Товар сотиб олаётган жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар).

Скоринг – Сотувчи томонидан амалга ошириладиган, Харидорнинг кредитга лаёқатлилигини (кредит таваккалчилиги) баҳолаш тизими.

Тариф – Сотувчи томонидан тасдиқланадиган Товарларни сотиш шартлари йиғиндиси.

Товар – Сотувчи томонидан Харидорга сотиладиган, Аризада кўрсатилган товарлар.

1. Шартнома предмети ва қиймати

1.1 Сотувчи номи, миқдори, тавсифи ва нархи Тарафлар томонидан Аризада мувофиқлаштириладиган Товарни бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан топширади, Харидор эса мазкур шартнома шартлари остида тўловни амалга оширади.

1.2 Харидор ўз еҳтиёжлари учун Товарларни сотиб олади.

2. Товар учун тўлов тартиби

2.1. Харидор томонидан товар учун тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

2.1.1. ЎзР ФКнинг 29-боб 1-параграфига ва танланган Тариф шартларига мувофиқ Харидор товар қийматининг дастлабки тўловини (бошланғич бадал) амалга оширади. (Тарифда бошланғич бадал кўзда тутилмаган бўлса, Харидор дастлабки тўловни тўламайди).

2.1.2. Қолган қисми Харидор томонидан тегишли Тарифда белгиланган бўлиб-бўлиб тўлаш муддати давомида ҳар ой, Аризада кўрсатилган Тўловлар жадвалига мувофиқ тўлаб борилади.

2.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги йўллар орқали ўтказилади:

- нақд пулда тўғридан-тўғри сотувчининг кассасига;
- банк картасидан терминал, интернет орқали ўтказиш;
- Харидорнинг банк картасидан (карта ҳисобварағидан) қарорисиз маблағларни ечиб олиш.

2.2.1. Ушбу шартномани тузишда Харидор Сотувчига қуйидагиларни тақдим этади:

- харидор қарорисиз банк картасидан (карта-ҳисоб варағидан) пул маблағларини Сотувчи олдидаги қарзини қоплаш учун ечиб олишга тўлиқ ва шартиз розилик;

- унга тегишли банк картаси бўйича маълумот

2.2.2. Сотувчи мустақил равишда Харидор қарорисиз унинг банк картасидан (карта-ҳисоб варағидан) Сотувчи олдидаги қарзини қоплашни ташкил қилади

2.2.3. Харидор қарорисиз унинг пул маблағларини ечиб олишга асос Харидор томонидан тўловнинг кечиктирилганда пайдо бўлади ва бу асос фақат кечиктирилган тўлов ечиб олишга тегишли.

2.2.4. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, томонлар харидор қарорисиз унинг банк картасидан (карта-ҳисоб варағидан) пул маблағларини Сотувчи олдидаги қарзини қоплаш учун ечиб олишни рухсатсиз харидор банк картасидан (карта-ҳисоб варағидан) фойдаланиш, ёки рухсатсиз тўлов эмаслигини тан олишади.

2.2.5. Сотувчининг харидор қарорисиз унинг банк картасидан (карта-ҳисоб варағидан) пул маблағларини Сотувчи олдидаги қарзини қоплаш учун ечиб олиш ҳуқуқи харидор томонидан Сотувчи олдидаги барча тўловларни амалга оширганидан кейин тўхтатилади.

2.2.6. Банк картасидан (карта-ҳисоб варағидан) пул маблағларининг ечиб олинганлиги ҳақида Харидорга (унга СМС-хабарнома хизмати уланган бўлиши шarti билан) СМС-хабарнома орқали хабар берилади.

2.3. Харидор исталган вақтда қарзни қўшимча ёки қисман тўлаш ҳуқуқига ега

2.4. Қўйидаги ҳолатлардан бирортаси юзага келган: Харидор томонидан навбатдаги тўловни тўлаш муддати бузилган; таъминот йўқолган ёки унинг шартлари ёмонлашган; Харидор томонидан Сотувчининг талабига кўра ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилмаган; Харидор томонидан тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳаққоний эмаслиги ҳолатлари аниқланган; Харидор томонидан Шартнома шартларидан бирортаси бузилган; Харидорнинг молиявий аҳволи ёмонлашган, шунингдек Харидорга нисбатан даъво аризаси берилган ҳолларда, агар Сотувчининг фикрига кўра бу Харидор томонидан мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилмаслигига сабаб бўлса, Сотувчи бир томонлама тартибда Товарнинг тўлиқ қийматини муддатидан олдин тўлашни талаб қилишга ҳақли. Бу ҳолатда Сотувчи ўз танловига кўра Харидорга талабнома юбориши ёхуд бир йўла суд ёки бошқа органларга мурожаат қилиши мумкин.

3. Товарни топшириш

3.1. Товар Харидорга олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг (агар Шартномада назарда тутилган бўлса) Шартнома тузилган кундан бошлаб 30 дақиқадан 3 (уч) соатгача вақт давомида етказилади.

3.2. Харидор харидни Интернет орқали ёки Тошкент шаҳридан ташқарида амалга оширган тақдирда, товарни топшириш муддати етказиб бериш шартларига қараб ўзгаради.

3.3. Товар билан бир вақтда Сотувчи Харидорга товарга тааллуқли ҳужжатлар (техник паспорт, фойдаланиш бўйича қўлланма, кафолат талони) ҳам топширади.

3.4. Товарни олганлигини тасдиқлаш учун Харидор Товарларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ёки Сотувчи томонидан Товарларни топширишда фойдаланиладиган бошқа топшириш ҳужжатини имзолайди.

3.5. Товарларни қабул қилиш ва яхлитлигини, тўлиқлигини ва ташқи нуқсонларини текшириш тўғридан-тўғри Товарни бериш вақтида амалга оширилади ва топшириш ҳужжатини имзолаш йўли билан тасдиқланади. Агар товарларнинг яхлитлиги бузилганлиги, нуқсони ёки нотўлиқлиги аниқланган тақдирда, Товарни қабул қилиш пайтида Харидор бунни топшириш ҳужжатида қайд этиши шарт. Бундай ҳолатда Харидор ёзма шаклда Сотувчига қўйидаги талаблар билан мурожаат қилишга ҳақли:

- сотиб олиш нархини қайта ҳисоб-китоб қилиб, ўхшаш русумдаги ёки бошқа русумдаги лозим даражада сифатли бўлган товарга алмаштириш;

- ёки сотиб олиш нархини мутаносиб равишда камайтириш.

3.6. Харидор топшириш ҳужжати имзоланган кундан бошлаб 1-кун ичида сабабни кўрсатмасдан товарларни қўйидаги шартлар асосида қайтариб беришга ҳақли:

- Агар маҳсулот асл қиёфасини сақлаб қолган бўлса ва барча қадоқлаш материалларини (ҳимоя плёнкалари) жойида бўлса;

- Агар қадоқлаш материаллари маҳсулотдан олиб ташланган бўлса ёки харидор томонидан эксплуатация белгилари мавжуд бўлса, унда Харидор Сотувчи томонидан белгиланган сервис марказидан товарнинг яхлитлиги ва янгилиги тўғрисида сертификат олганидан кейин товарларни қайтариши мумкин. Агар товарларда эксплуатация қилиш белгилари мавжуд бўлса, қабул қилиш тўғрисидаги қарорни Сотувчи ўзи қабул қилади.

3.7. Харидор топшириш ҳужжатини танбеҳларсиз имзолаган тақдирда, Товар лозим даражадаги сифатда етказиб берилган ҳисобланади ва яхлитлиги, тўлиқлиги ва ташқи нуқсонларига нисбатан эътирозлар қабул қилинмайди.

3.8. Сотувчи кафолат талонига мувофиқ топширилаётган товарга, ишлаб чиқарувчи завод томонидан белгиланган муддатга кафолат тақдим қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Кафолат муддатининг амал қилиши Харидорга товар топширилган вақтдан бошланади.

3.9. Сервис хизмати ишлаб чиқарувчи томонидан лозим даражада расмийлаштирилган ҳужжатларга эга бўлган Товарга кўрсатилади.

3.10. Кафолат ҳодисаси остида Харидор томонидан товардан фойдаланиш вақтида аниқланган, Харидорнинг айби билан эмас, балки ишлаб чиқарувчининг айби билан юзага келган нуқсон тушунилади. Бошқа барча ҳолларда Сотувчи ва ишлаб чиқарувчи сотиб олинган Товар ва унинг соз ишлаши учун жавобгар эмас.

3.11. Товарда яширин нуқсонлар аниқланган ёки кафолат муддати давомида юзага келган тақдирда, Харидор Сотувчига ёзма мурожаат қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида камчиликларни беғараз бартараф этишга ҳақли. Товарни кейинги таъмирлаш учун Сотувчига ёки ваколатли хизмат кўрсатиш марказига етказишни Харидор ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.12. Товарнинг носозлигини бартараф қилиш бўйича ишларни бажариш Харидорни Товар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини бажаришдан ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

3.13. Харидор томонидан кафолат муддати давомида эксплуатация қилиш қоидалари бузилганлиги оқибатида юзага келган носозликларни бартараф қилиш Харидор ҳисобидан амалга оширилади. Эксплуатация қилиш қоидаларига риоя қилинмаганлик сервис маркази ходимлари томонидан тузиладиган далолатномаларда эътиборга олинади.



4. Товарга эгалик ҳуқуқи, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш

4.1. Товарга эгалик ҳуқуқи товар, товарни топшириш пайтида Харидорга ўтади. Харидор Товар унга топширилган пайдан бошлаб Товарнинг тасодифий ҳалокати ёки тасодифий шикастланиши хавфини ўз зиммасига олади.

4.2. Товар Харидорга топширилган пайдан бошлаб ва тўлиқ тўлангунга қадар, Харидорнинг товар учун тўлов мажбуриятини бажарилишини таъминлаш учун товар сотувчининг гаровида турибди деб тан олинади. Товар (гаров предмети) учун гаров баҳоси Аризада кўрсатилган Товар қийматининг 70 %-и миқдорида белгиланади. Харидор тўлиқ тўлов амалга оширилмагунга қадар Товарни бегоналаштириш, ҳадя қилиш, ижарага бериш, сотиш, уни бошқа шахсга ишлатиш ёки бошқа йўл билан тасарруф этиш ҳуқуқига эга эмас.

4.3. Мобил уяли телефон алоқа воситалари (телефонлар, планшетлар) сотишда Харидор томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда, Сотувчи ўз хоҳишига кўра мобил қурилмани (телефон, планшет) блоклаш, унга қидирув эълон қилиш, шунингдек, телефон (планшет) Харидор ёки учинчи шахслардан олиб қўйишга ҳақли. Сотувчининг бундай ҳатти-ҳаракатлари Харидорни товар ҳақини тўлашдан озод қилмайди. Тўлов тўлиқ тўлангандан ва Сотувчининг бузилган ҳуқуқлари тикланганидан сўнг, Сотувчи Товарни Харидорга топширади.

4.4. Блокланган мобил қурилмалар Харидор томонидан барча мажбуриятлар қопланганидан сўнг 5 иш куни давомида блокдан ечилади.

4.5. Сотувчи сотилган мобил қурилманинг қутисини (телефонлар, планшетлар) ўзида сақлайди. Товар қутиси Харидорга у томонидан қарзнинг тўлиқ тўланишидан сўнг берилади.

4.6. Сотувчи сотилган товарнинг қутисини Харидор томонидан қарз тўлиқ қайтарилгандан кейин 6 ой давомида сақлайди. Агар харидор қарз тўлиқ қайтарилгандан кейин 6 ой давомида товар қутисини талаб қилмаса, товар қутиси ташлаб юборилади.

4.7. Агар қути сотувчининг айби билан йўқолса, Харидор қарз тўлиқ қайтарилгандан 15 иш куни давомида қуйидаги компенсация вариантларига ҳақли:

- Сотувчи томонидан йўқотилган товарлар қутиси учун 1 базавий ҳисоблаш миқдори (БРВ) миқдорида пул компенсацияси ва йўқотиш сертификатини тақдим этиш;

- Ёки Сотувчи сотилган Товарни Харидордан тўлиқ комплектацияли ўхшаш маҳсулотнинг жорий бозор нархида қайтариб сотиб олади

4.8. Агар тўловларни тўлаш шартлари Харидор томонидан бузилган бўлса ва тўловни қайтармаслик муддати 30 кундан ортиқ бўлса, сотувчи товарларни қайтариб олиш ва зарарни (тўлов жадвалига мувофиқ тўлиқ тўланмаган маблағлар) тўлиқ миқдорда талаб қилиш ҳуқуқига эга. Қайтариб олинган ва сотилган товардан тушум Харидорнинг Сотувчи олдидаги мажбуриятларининг қолдиқ қийматини тўлаш учун ишлатилади. Товарни сотишдан олинган сумманинг Сотувчи олдидаги мажбуриятлар суммасидан ошган қисми Харидорга қайтарилади.

5. Шахсий маълумотлар.

5.1. Шартномани тузаётиб Харидор Сотувчига Скорингни амалга ошириш, Шартнома тузиш ва Товарни бўлиб-бўлиб сотиш, Сотувчининг ахборот тизимларида қайд этиш, Шартноманинг бажарилиши, Сотувчининг нормал ҳужалик фаолиятини амалга ошириши; Сотувчининг ҳуқуқлардан фойдаланиши ва ўз мижозлари ва ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаши устидан назоратни таъминлаш, шу жумладан, ахборотни тақдим этишга қўйиладиган талабларни текшириш мақсадида ўз шахсий маълумотларини қайта ишлаш (тўплаш, қайд этиш, фойдаланиш, тўплаш, тизимлаштириш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), чиқариб олиш, қиёфасини ўзгартириш, блоклаш, йўқ қилиш, узатиш) учун розилик беради.

5.2. Шартномани бажариш доирасида Харидор Сотувчига қуйидаги шахсий маълумотлар: Фамилияси, исми, отасининг исми, рўйхатдан ўтган манзили, шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари, ЖШШИР, телефон рақами, банк карталари реквизитлари, фотосуратлар ва видеолар, шунингдек Харидор томонидан тақдим этилган ёки Шартномани тузиш ва амалга ошириш жараёнида Харидор томонидан олинган бошқа маълумотларни қайта ишлашга розилик билдиради.

5.3. Шахсий маълумотларни қайта ишлаш автоматлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳам, бундай воситалардан фойдаланмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин. Харидор Сотувчининг шахсий маълумотларни қайта ишлаш бўйича юқорида кўрсатилган мақсадларига эришиши учун ўзининг шахсий маълумотларини топширишга (тақдим қилиш, кириш), шунингдек қайта ишлашни учинчи шахсларга топширишга розилик беради.

5.4. Ушбу розилик Шартнома тузилган кундан бошлаб, Шартнома амал қилиш муддати давомида, шунингдек, бекор қилинганидан кейин 5 йил давомида амал қилади. Харидор Сотувчига тегишли ёзма талабнома юбориш орқали ушбу розиликни бекор қилишга ҳақли.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Агар Харидор қарзни тўлашга кечиккан ёки шартнома шартларини бажармаган бўлса, унда Сотувчи томонидан қилинган барча харажатларни тўлаш масъулиятини ўз зиммасига олади (Суд харажатлари, давлат божлари, почта харажатлари, IMEI кодни блоклаш ва ҳ.к.).

6.2. Шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда Шартнома шартларини бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.



7. Форс-мажор

7.1. Тарафларнинг хоҳиш-иродасига қарши юз берган ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ёки олдини олиш мумкин бўлмаган, шу жумладан эълон қилинган ёки ҳақиқий уруш, фуқаролик тартибсизликлари, эпидемия, блокада, эмбарго, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар каби ҳолатлар туфайли мажбуриятларни бажармаганлик учун ҳеч бир Тараф бошқа Тараф олдида жавобгар бўлмайди.

7.2. Тегишли ваколатли орган томонидан берилган ҳужжат энгилмас кучнинг таъсири мавжудлиги ва давомийлигининг етарлича исботи ҳисобланади.

7.3. Энгилмас кучнинг таъсири оқибатида ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф зудлик билан бошқа тарафга тўсқинлик ва унинг Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири тўғрисида маълум қилиши лозим.

8. Бошқа шартлар

8.1. Харидор мазкур шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини Сотувчининг розилигисиз бошқа шахсларга ўтказишга ҳақли эмас. Сотувчи мазкур шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини Харидорнинг розилигисиз бошқа шахсларга ўтказиш, сотиш, ён беришга ҳақли.

8.2. Харидор унга тақдим қилинган барча даъво ва талаблар, исми, отасининг исми ва фамилияси ўзгарганлиги, яшаш рўйхатга олинган жойи, иш жой, телефонлари ўзгарганлиги, банк реквизитлари (банк карталари) ўзгарганлиги, шунингдек Харидорнинг Шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида уч кун ичида Сотувчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

8.3. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

8.4. Товар учун тўлов бўйича қарздорлик муддати 30 тақвим кунидан ошса, шу жумладан Товар қийматини муддатидан олдин ундиришда, шартнома бўйича жарималар ва йўқотишларни ундиришда Сотувчи қонун ҳужжатларида ундириш юзасидан рухсат берилган ҳар қандай ҳаракатларни, шу жумладан, низосиз тартибда, нотариус томонидан тузиладиган ижро хати асосида амалга оширишга ҳақли.

8.5. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низо, келишмовчиликлар ёки шартномани бекор қилиш, тарафларнинг ҳар қандай тарзда ушбу шартларга амал қилмаслиги доимо Сотувчи рўйхатга олинган жойидаги Фуқаролик ишлари бўйича туманларо суди ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳакамлик судлари Ассоциациясининг Тошкент филиалида адолатли ҳал қилинади.

8.6. Мазкур шартнома Тарафлар аризани имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва Товар учун тўлов ва Шартномага мувофиқ Харидор тўлаши лозим бўлган барча бошқа суммалар тўлиқ тўлангунга қадар амал қилади.

